



220200 Богот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 627а

Богот шаҳарчаси

Нусха № 1

Богот тумани “Нурли хаёт” маҳалласида жойлашган фуқаро Бабажанова Гулзода Ибрагимовнага қарашли “Чойхона биноси”ни бузиб, қайтадан икки қаватли қилиб қуришга рухсат бериш тўғрисида

Богот тумани архитектура ва қурилиш бўлимнинг “Нурли хаёт” маҳалласида жойлашган “Чойхона биноси”ни бузиб, қайтадан икки қаватли қилиб қуриш учун туман хокимининг қарорини чиқариб беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган сўровномасини, Богот тумани қурилиш бўлимнинг 2019 йил 21 декабрдаги 0503-сонли рухсатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Богот тумани “Нурли хаёт” маҳалласида жойлашган фуқаро Бабажанова Гулзода Ибрагимовнага қарашли “Чойхона биноси”ни бузиб, қайтадан икки қаватли қилиб қуришга рухсат қилинсин.

2. Бабажанова Гулзода Ибрагимовнага ушбу ер майдони бўйича белгиланган муддатда туман архитектура ва қурилиш бўлимидан архитектура режалаштириш топшириғини ишлатиш, махсус лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Хоразм вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати Инспекциясидан қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш вазифалари топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев